

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВА САВРИНИСА СУЛТАНОВНА**

**ҲОМИЛА ПЎСТЛОҒИ БАРВАҚТ УЗИЛГАН ҲОМИЛАДОР  
АЁЛЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШНИНГ  
ПРОГНОЗЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошент–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исмаилова Савриниса Султановна**

Хомила пўстлоғи барвақт узилган ҳомиладор аёлларда  
омиладорликни давом эттиришнинг прогнозлаш мезонлари..... 3

**Исмаилова Савриниса Султановна**

Прогностические критерии возможности пролонгирования  
беременности у женщин с преждевременным разрывом плодных  
оболочек..... 27

**Ismailova Savrinisa Sultanovna**

Predictive criteria for possibilities pregnancy prolongation in women with  
premature rupture of fertile shells..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib187 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzaig.uz](http://www.uzaig.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Асранкулова Дилором Бахтияровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Хусанходжаева Малика Турсунходжаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Муминова Нигора Хайретдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50 E-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100140, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Алиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.М. Файзырахманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, биология фанлари номзоди

**Ф.М. Аюпова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда дунё мамлакатларининг барчасида репродуктив ёшидаги аёллар орасида хомиладорликни охирига етказа олмаслик тобора ортиб бормоқда. Касалликни кечиши, аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «... хомила пардасини барвақт ёрилиши 25-54% ҳолатларда муддатидан олдин туғиш жараёнлари бошланишига сабаб бўлиши оқибатида перинатал ўлим ҳолатлари ўсмоқда, хомиладорларда сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ инфекция асоратлар пайдо бўлишига ҳам олиб келмоқда»<sup>1</sup>. Хомиладор аёлларда хомила пўстлоғининг барвақт узилиши патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида хомила пўстлоғи барвақт узилган хомиладор аёлларда хомиладорликни давом эттиришнинг прогнозлаш, олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада репродуктив ёшдаги аёлларда ХПБЁ келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, хомиладорларда сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ инфекция асоратлар пайдо бўлиш даражасини аниқлаш, ХПБЁ мойилликда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда хомила пардасини барвақт ёрилиш хавфини эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, хомилани сақлаб қолиш ва аёллар ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, хомиладорларда хомила

<sup>1</sup> Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ҳисоботи, 2017. [http://www.who.int/nutrition/media\\_page/backgrounders\\_1\\_rus.pdf](http://www.who.int/nutrition/media_page/backgrounders_1_rus.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

пўстлоғи барвақт узилиш хавфини эрта ташхислаш, уларда ҳомиладорликни давом эттириш янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу касалликларга бағишланган илмий тадқиқотлар ўрганилаётган муаммоларга тизимли ёндашиши билан фарқ қилади. Бу йўналишда АҚШ, Германия, Куба, Ҳиндистон, Туркия, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси олимлари-мутахассисларининг ишлари тақсинга сазовордир (Gupta S., 2020; Flood, K., 2017; Hui, P., 2018). Тадқиқот ва нашрлар сонининг кўплигига қарамай, ҳомила пуфагининг муддатдан олдин ёрилиш сабаблари ҳанузгача маълум эмас, ҳомиладорлик муддатини узайтириш ва ҳомила пуфагини муддатдан олдин ёрилишининг олдини олиш чекланган (Алеев И. А., 2011). Шу муносабат билан ушбу муаммони тўлиқ ўрганиш, ташхислаш ва олиб боришни такомиллаштиришни талаб қилинади (Радзинский В.С., 2009). Ундан ташқари, эндотелий тузилишини бевосита текширишни амалга ошириб бўлмаслиги, ҳомила пуфагини муддатидан олдин ёрилишини прогнозлаш мақсадида ҳомиладор аёллар қон томир тизимида бузилиш генезида эндотелиал дисфункция ҳамда унинг ўрни билан боғлиқ сабабларни аниқлашда замонавий усулларни излаш зарурлигидан далолат беради (Чеснокова Н.П., 2012).

Ҳозирга қадар акушерлик-гинекологик амалиётда ҳомила олди сувининг туғруққача қуйилишида ҳомила атрофидаги қобиқ мембранаси дестабилизацияси механизмида эркин радикаллар оксидланишининг аҳамияти ҳақидаги муаммо очик қолмоқда. Шунга қарамай, липидларнинг пероксидланиши ва биотизимлар антирадикал ҳимояланиш жараёнлари кўрсаткичларининг қиёсий баҳоси маълум даражада гестация даври кечишини диагностик ва прогностик мезонларини кенгайтириш имконини беради (Плеханова Е. Р., 2007). Ҳомила қобиғи муддатидан олдин ёрилган ҳомиладорларнинг барча гуруҳида бутун организм ҳужайра мембраналари

тузилишли-функционал ҳолатининг ягона модели ҳисобланган эритроцит мембраналарида про- ва антиоксидант гомеостазнинг сезиларли бузилиши аниқланган (Хугашвили Р. Б., 2012).

ХПБЁ патогенезида фолий кислотасининг танқислиги, бўйин-қин секрециясида фетал фибронектин мавжудлиги, қон зардобида  $\alpha$ -фетопропротеиннинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳомиладор аёлларда фолатларга эҳтиёж сезиларли тарзда 50% га ортади, бу эса бачадоннинг катталаниши, йўлдош шаклланиши, эмбрионнинг ўсиши ва эритроцитлар ҳажмининг ошиши билан боғлиқ (Мерзликина Л. А., 2009). Ҳомиладорлик 24 соатга чўзилган аёлларни текширишда гестация муддати бўйича АФП нинг энг юқори даражаси– 75,7 нг/мл ва 66,7 нг/мл аниқланди. Шу билан АФП йўлдош орқали кириб боради, ҳомиладорликнинг 32 ва 36 – ҳафталари ўртасида максимум етилиб, она қон зардобида етарлича юқори концентрацияда аниқланиши мумкин бўлади. Бу антенатал давр мониторингида муҳим клиник-кимёвий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади (Hurley Timothy J., 2014, Аюпова Ф.М.,2020).

Шу билан бирга кузатувлар ҳозирги вақтда когнок сувларининг барвақт ёрилишида ҳомиладорлик муддатини узайтириш ва сувсизлик даврини оптимал давомийлигини аниқлаш, ҳамда ҳомиладорликни узайтиришнинг прогностик мезонлари ишлаб чиқишдан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 019700050008 «Ҳомила қобиғининг муддатидан олдин ёрилишида ҳомиладорликни чўзиш ҳамда туғдириш тактикасини танлаш» (2018–2020 й) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳомила пўстлоғи барвақт узилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни давом эттиришнинг прогностлаш мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

преморбид фонда сувсиз оралик давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ҳомиладорликнинг турли гестация муддатларида ХПБЁ нинг учраш даражасини таҳлил қилиш;

ҳомиладорликнинг 22-33ҳафталиг муддатида ҳомила олди сувининг муддатдан олдин кетиши кузатилган ҳомиладорларда сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ инфекцион асоратлар пайдо бўлиш даражаси, қин микробиоценози ва аниқланган микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш;

текширилаётган аёллар қон тизимида липопероксидация ва антиоксидант жараёнлари ҳолатини баҳолаш;

ХПБЁ кузатилган аёлларда қўшимча прогностик мезонлар (фолий кислотаси,  $\alpha$ -фетопропротеин ва фибронектин миқдорлари) ва сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ ҳомиладорликни узайтириш алгоритминини ишлаб

чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2009–2015 йилларда Андижон вилоят перинатал маркази акушерлик бўлими назоратида бўлган 203 нафар ҳомила пардаси барвақт ёрилган аёллар ва 40 нафар соғлом, хомиладорлиги физиологик кечаётган аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва қон зардоби биокимёвий тадқиқотлар учун, сийдик ва қин ажралмаси бактериологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, бактериологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор хомидорликнинг 22-33 муддатидаги қоғонқ пардаси барвақт ёрилган аёлларда асоратланган акушерлик ва гинекологик анамнези ва ҳомила пўстлоғининг барвақт ёрилиши (ХПБЁ) учраш даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

экилган микрофлорани частотасининг камайиши, шартли патоген микрофлоранинг патологик ўсиши ва хориоамнионит ривожланиш частотасининг ўртасида тескари ўртача корреляция боғлиқлиги ( $r = -0,56$ ) ва мусбат кучли корреляцион боғлиқликнинг ( $r = 0,76$  ( $P < 0,05$ )) аниқланиши билан ҳомила пўстлоғининг барвақт ёрилиши (ХПБЁ) нинг латент даврини камайиши кўрсатилган;

илк бор хомиладорларлар қон тизимида липопероксидация жараёни кучайиши табиий антиоксидант ҳимоянинг супероксиддисмутаза (СОД), каталаза (КТ), глутатион пероксидаза (ГП), глутатион трансфераза (ГТ) ферментлари камайиши ва глутатион редуктаза (ГР) ферментининг ортиши сабабли сувсиз ораликни узокроқ давомийлигига ва антиоксидант ҳимоя кўрсаткичлари яхшиланишига олиб келиши аниқланган;

ҳомила пўстлоғининг барвақт ёрилиши (ХПБЁ) кузатилган аёлларда қўшимча прогностик мезонлар (фолий кислотаси,  $\alpha$ -фетопротеин ва фибронектин миқдорлари), цервикометрия, липидларнинг перикисли оксидланиши (ЛПО)-антиоксид ҳимоя (АОХ) мутаносиблигининг бузилиши кўрсаткичлари ва сувсиз оралик давомийлигига мутаносиб равишда гестациянинг турли муддатларида хомиладорликни узайтиришни прогнозлаш исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хомиладорликни чўзишнинг прогностик мезонлари асосида илмий асосланган акушерлик тактикаси ишлаб чиқилган;

хомиладорликнинг 22-33 ҳафталиг муддатида ХПБЁ хавфи кузатилган аёлларда қин микробиоценозидаги патоген микрофлора аниқланган;

ХПБЁ кузатилган аёлларда қўшимча прогностик мезонлар ва сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ хомиладорликни узайтиришни прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган

текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал, биокимёвий, бактериологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижалари илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомила пўстлоғи барвақт узилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни давом эттиришнинг прогнозлаш мезонларини такомиллаштириш республикада келажақда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, ҳомила пардасининг барвақт ёрилиши ҳомиладорларлар қон тизимида липопероксидация жараёни кучайиши табиий антиоксидант ҳимоянинг СОД, КТ, ГП, ГТ ферментлари камайиши ва глутатион редуктаза (ГР) ферментининг ортиши сабабли сувсиз ораликни узокроқ давомийлигига ва антиоксидант ҳимояси кўрсаткичлари яхшиланиши, фоллий кислотаси,  $\alpha$ -фетопротеин ва фибронектин миқдорлари ва ЛПО-АОХ мутаносиблигининг бузилиши кўрсаткичлари ва ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҳомиладорликни чўзишнинг прогностик мезонлари асосида илмий асосланган акушерлик тактикаси ишлаб чиқилганлиги, ҳомиладорликнинг 22-33 муддатида ХПБЁ хавфи кузатилган аёлларда қин микробиоценозидаги патоген микрофлорани аниқлаш асосланганлиги ва сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ ҳомиладорликни узайтиришни прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилганлиги акушерлик асоратлар сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳомила пўстлоғи барвақт узилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни давом эттиришнинг прогнозлаш мезонларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни триместлари кечишини назорат қилиш ва олиб бориш асосида ишлаб чиқилган «Ҳомиладорликни охирига етказа олмаслик» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 февралдаги 8н-д/4-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши аёлларда ҳомиладорликни охирига етказа олмаслик хавфи пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташҳислаш ва олдини олишга хизмат қилган;

ҳомиладор аёлларда ҳомила пардасининг барвақт ёрилишини кузатиш ва олдини олиш асосида ишлаб чиқилган «Қоғоноқ олди сувлари барвақт кетганида ҳомиладорликни ўзига хослиги» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 февралдаги 8н-д/4-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши аёлларда ҳомила пардасининг барвақт ёрилиши келиб чиқиш хавфи ва ривожланишини эрта ташҳислаш ва олдини олишга хизмат қилган;



хомила пардасининг барвақт ёрилиши шароитида ҳомиладорлик муддатини чўзиш асосида ишлаб чиқилган «Қоғоноқ олди сувлари барвақт кетганида ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик муддатини узайтириш акушерлик тактикаси» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 февралдаги 8н-д/4-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ХПБЁ кузатилган ҳомиладор аёлларда хомила пардасининг барвақт ёрилишини эрта ташхислаш, прогнозлаш ва ҳомиладорлик муддатини узайтиришга эришишга хизмат қилган;

хомила пўстлоғи барвақт ёрилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни давом эттиришнинг прогнозлаш мезонларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон шаҳар 1- ва 2-туғуруқ комплекс, Андижон шаҳар перинатал маркази ва Андижон вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 08-09/6784-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши хомила пардасининг барвақт ёрилишини эрта ташхислаш, олиб бориш тактикасини такомиллаштириш, ҳомиладорлик муддатини узайтириш, касаллик асоратларини камайтириш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгиллиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Хомила қобиғининг барвақт ёрилиши кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг муддатини чўзиш муаммосининг замонавий томонлари**» деб номланган биринчи бобида ҳомиладорлик

муддатини чўзиш ва ташхислаш муаммоси бўйича илмий тизимлаштирилган маълумотлар тўлиқ таҳлил қилинди, танқидий баҳоланди ва умумлаштирилди. Кейинчалик ўз ечимларини талаб қиладиган долзарб муаммолар ўрганилди. Адабиётда берилган таҳлил натижасида мазкур муаммо бўйича ҳал қилинмаган вазифалар аниқланди.

Диссертациянинг «Текширилган аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобда клиник материал ва тадқиқот усуллари умуий тавсифи кўриб чиқилди. Тадқиқот турли гестация муддатларида ҳомила қобиғининг муддатидан олдин ёрилиши кузатилган 203 ҳомиладор аёлнинг клиник-лаборатор текширувларига асосланган, улар 2009-2015 йилларда Андижон вилояти перинатал марказининг акушерлик бўлимига мурожаат қилган ва назоратда бўлган.

Мазкур лаборатор текширувларни ўзига хос тарзда баҳолаш учун гестация муддатига мос 40 нафар ҳомиладорлиги физиологик кечган кўнгилли, мутлақо соғлом аёллар танланди.

Асосий гуруҳга киритиш мезонлари:

- ХПБЁ билан 22—33 ҳафтада ўз-ўзидан кузатиладиган бир ҳомидали ҳомиладорлиқ;

- беморларнинг ёши 18-40 ёшдалиги;

- тадқиқотда иштирок этишга розилик бериши.

Ҳомиладорларда ХПБЁ ташхиси Ўзбекистон республикасидаги ҳомиладорларга, тугрукдаги ва тугган аёлларга перинатал ёрдам кўрсатиш Миллий стандартларига асосланиб аниқланади (Тошкент, 2020).

Асосий гуруҳдаги ХПБЁ кузатилган ҳомиладор аёллар сувсиз оралик давомийлиги бўйича 3 гуруҳга бўлинди:

- 1-гуруҳни ташкил қилган ҳомиладорлик 24 соатгача чўзилган ХПБЁ кузатилган 75 (36,9%) аёлларнинг 29 (39,0%) нафари гестациянинг 22-27 ва 46 (61,0%) нафари гестациянинг 28-33 ҳафтадагилари бўлган;

- 2-гуруҳни ҳомиладорлик 72 соатгача чўзилган – 69 (33,9%) нафар ХПБЁ кузатилган аёллар ташкил қилади, улардан гестация муддати 22-27 ҳафтасида 29 (42,01%) ва 28-33 ҳафтасида 40 (57,9%)дан иборат;

3 –гуруҳни ҳомиладорлик 72 соатдан кўп чўзилган - 59 (29,2%) нафар ХПБЁ кузатилган аёллар ташкил қилади, улардан гестация муддати 22-27 ҳафтасида – 19 (32,5%) ва 28-33 ҳафтасида 40 (67,5%) дан иборат.

Акушерлик анамнез таҳлилида асоратланган акушерлик анамнез ва ҳомиладорликни чўзиш муддатлари ўртасида боғлиқлик борлигини аниқладик, асоратланган акушерлик анамнез қанча кам бўлса, чўзиш имконияти шунча юқори бўлади.

Ҳомиладор аёл стационарга сув кетиши билан мурожаат қилганда уни синчиклаб текшириш, даволанишгача ҳамда ундан кейин қон ва сийдикнинг умуий таҳлили, термометрия текширилди. Ҳомила олди сувининг кин ажралмасида мавжудлиги қиндан ажралма олиб текширилди. Кин кузгулар билан ёритилганда қиннинг орқа гумбазида амниотик суяқликнинг аниқланиши ҳомила пардасининг ёрилишини ташхислашнинг оддий усули ҳисобланади. Кин кузгулар билан ёритилганда аёллардан йўталиш сўралади,

кейин «йўтал синамаси» тести ўтказилади: цервикал каналдан суюқлик оқиши хомила қобиғининг муддатидан олдин ёрилганлигидан дарак беради.

Қин ажралмаси рН ни аниқлаш (нитразин тести) нитразин тест чизикча ёрдамида аниқланди

AmniSure тести (AmniSure® International LLC, Кембридж, Массачусетс).

Тадқиқот тамойили қин секрецияси ажралмасида амалий нормада мавжуд бўлмаган, аммо амниотик суюқликда кўп булган -йўлдош альфа-1-микроглобулин моддасини мавжудлиги аниқлашдан иборат.

Амниотик суюқлик индекси (АСИ) вилоят перинатал марказида бачадоннинг ҳар қайси тўртта квадрантидан бирининг бўйлама кесимида сувнинг максимал “чўнтақлари” вертикал диаметрини йиғиндиси Phelan (1987) томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича аниқланди. «Sone-Score-30» (Германия), «АЛОКА» (Япония), «Interscan» (Япония) аппаратларида вилоят перинатал марказида (Маматурдиева Х.) бачадон ва хомилани ультратовуш текшируви ўтказилди.

Кардиотокография умумий қабул қилинган методика бўйича OXFORD Team (Англия), Corometrics (США) асбобларида бир вақтнинг ўзида хомиланинг юраг уриши ва бачадон тонуси параметрлари – қайд қилиш билан олиб борилди. Допплерометрия Campbell (1991), В. Н. Демидов (1993) томонидан умумқабул қилинган усулда АЛОКА – SSD 4000 (Япония) аппаратида ўтказилди.

Цервикал канал, қин бўшлиғидан олинган ажралма умумқабул қилинган усул билан бактериологик теширилди: текширилаётган материал идишнинг ярмига экишнинг чизикли техникасидан фойдаланиб, қонли агар билан Петр идишига экилди, кейин дастлабки материал қанд қайнатмасига экилди. ЛПО ва АОХ кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олиб борилган барча биокимёвий текширувлар АДТИ ИТЛМ биокимё лабораториясида ўтказилди (Милладжанова Ш. Я.).

Зардобдаги холинэстераза фаоллиги колориметрик усулда  $d/v=500-560$  нм да СФ-46 аниқланади. ХЛ интенсивлиги Ю. А. Владимиров, А. И. Арчаков методикаси бўйича ўрганилди (1972). МДА Н.А.Андреевава ҳаммуаллифлари (1999) усули бўйича, СОД фаоллиги Е.Е. Дубинина ва ҳаммуаллифлари (1983) усулида аниқланди. Глутатионпероксидаза (ГП) ферменти фаоллиги глутатион тўпланиши (1990) бўйича С. Н. Власов ва ҳаммуаллифлари усули билан ўрганилди.

$A_2$  фосфолипазани аниқлаш усули билан лецитиндан ажратилган ёғ кислотаси аниқланади. Фолий кислотаси. Биологик намуналарда фолий кислотасининг (ИФА) миқдори иммунофермент усули билан уларнинг ўзига хос антитанага боғлиқликда аниқланади. Қон зардобда  $\alpha$ -фетопротеин миқдори иммунофермент усули билан фолий кислотасига ўхшаш усулда уларнинг ўзига хос антитанага боғлиқликда аниқланади.

Фибронектин миқдори иммунофермент тести билан аниқланади. Тестларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш учун сезувчанлик, ўзига хослик, ижобий натижанинг прогностик баҳоси, тестнинг ижобий ва салбий натижаларига нисбатан муносабати аниқланди.

Олинган маълумотлар EXCEL стандарт дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик қайта ишланди. Тадқиқот кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни миқдорий баҳолаш учун Пирсон усули бўйича жуфт корреляция қилинди.


Диссертациянинг «**Ҳомила қобиғи муддатидан олдин ёрилиши кузатилган аёлларда ҳомиладорликни узайтириш имконининг прогностик мезонлари**» деб номланган учинчи бобида онага таалуқли этиологик омиллари таҳлил қилиниб, ХҚБЁга анамнезида муддатига етмаган (“қайталаниш” хавфи 16–32% ни ташкил қилади, анамнезида ҳомила қобиғи муддатидан олдин ёрилмаган аёлларга нисбатан 4-8 марта юқори - 4%) ҳомиладорлик мавжуд; ушбу ҳомиладорлик пайтида нормал жойлашган йулдошнинг енгил кучиши ҳолатда, гуруҳлар бўйича мос ҳолда – 18 (24,0%), 6 (8,7%) ва 0; бириктирувчи тўқималарнинг тизимли касалликлари – 2 (2,7%), 2 (2,9%) ва 1 (2,5%); қориннинг ўтмас жароҳати – 1 (1,3%), 1 (1,4%) ва 0; муддатдан олдинги туғруқ – 6 (8,0%), 3 (4,3%) ва 2 (5,0%); ёмон одатлар: чекиш; наркомания (кокаин истеъмол қилиш) – 3 (4,0%), 1 (1,4%) ва 0; анемия – 38 (50,7%), 40 (58,0%) ва 39 (97,5%); ҳомиладорликкача тана вазнининг танқислиги ( $TBT < 18,1 \text{ кг/м}^2$ ) 2 (2,7%), 0 ва 0; шунингдек паст ижтимоий-иқтисодий статус сабаб бўлишини кўрсатади.

ХҚБЁнинг бачадон-йўлдошга таалуқли этиологик омиллари таҳлилида бачадон ривожланиши аномалияси (масалан, бачадоничи тўсиқлари) фақат 4 нафар ҳомиладорда; 1-гуруҳда 11 (14,3%) аёлда, 2-гуруҳда 8 (11,6%) аёлда йўлдош кўчиши ХҚБЁнинг сабаби ҳисобланади; гуруҳлар бўйича 3 (4,0%) ва 2 (2,9%) ҳомиладорда истмика-цервикал етишмовчилиги; фақат 2 (2,7%) аёл анамнезида бачадон бўйни конизацияси; 1-гуруҳда 6 (8,0%) аёлда, 2 – гуруҳда 5 (7,2%) ва 3-гуруҳда 4 (9,3%) – 2 (5,0%) аёлда бачадоннинг ҳаддан ташқари чўзилиши – кўпсувлилик; 1-гуруҳда 23 (30,7%), 2-гуруҳда 5 (7,2%) нафар аёлда хориоамнионит кузатилди, 3-гуруҳда умуман кузатилмади; 1-гуруҳда 6 (8,0%), 2-гуруҳда 11 (15,9%) ва 3-гуруҳда 6 (10,2%) аёлда бачадон бўйни яллиғланиш касалликлари аниқланди.

Йўтал зарбаси синамаси паст сезувчанликка эга бўлиб, ижобий жавоб текширилаётганларнинг тенг ярмида кузатилади. Амниотик суюқлик аралашмаси билан қин тозалик даражасини баҳолаш предмет ойнасида бармоқ излари мавжудлигида ҳамда бўйин каналида аниқланган сперма элементлари аралашмасидан ёлғон мусбат натижалар миқдорининг етарлича катта миқдорига эга бўлишини кўрсатиши мумкин.

Ёлғон манфий натижа қон аралашмаси ёки материал миқдорининг етишмаслиги оқибатида олиниши мумкин (“қуруқ тампон”). Қин тозалигининг III даражаси 1-гуруҳда 25 (33,3%) нафар ҳомиладорда, 2-гуруҳда 32 (46,4%) ва 3-гуруҳда – 33 (55,9%) нафар аёлда кузатилди.

Нитразин тести 1-гуруҳда 37 (49,3%), 2-гуруҳда 41 (59,4%) ва 3-гуруҳда 26 (44,1%) ҳолатда ҳомила олди сувининг муддатидан олдин кетишини тасдиқлайди.



**1-расм. Сувсиз оралиқ давомийлигига боғлиқ ХПБЕ кузатишнинг текширув натижалари**

AmniSure® тестининг 5 нг/мл сезувчанлик кўрсаткичида ҳомила олди сувининг кетишини аниқлаш эҳтимоли 99% ҳолатда ХПБЕ кузатилишини аниқланди. Бу тестни ўтказиш барча текширилаётган ҳомиладорлардан ижобий натижа (100,0%) олинганлигини кўрсатди (1-жадвал).


**1-жадвал.**

**Ҳомила олди сувининг муддатидан олдин кетишини ташхислаш учун ноинвазив тестлар самарадорлигининг қиёсий баҳоси**

| Ташхис усуллари      | Натижа | Сезувчанлик<br>, % | Ўзига<br>хослик, % | ПЦПР   | ПЦОР  |
|----------------------|--------|--------------------|--------------------|--------|-------|
| Йўтал зарба синамаси | Ҳа/йўқ | 48-77              | 65-73              | 88-91  | 78-86 |
| Нитразин тести       | Ҳа/йўқ | 90-97              | 16-70              | 63-75  | 80-93 |
| Тест Amnisure        | Ҳа/йўқ | 99-98              | 88-100             | 98-100 | 91-99 |

Аниқланган бу усулларнинг ўзига хослиги ва сезувчанлик даражаси Amnisure тести 100% сезувчанликка эга эканлигини кўрсатди. Йўтал зарбаси синамасининг энг паст сезувчанлик (48) ва ўзига хослик (65)га эга (1-расм).

Аксарият 1 ва 2-гуруҳ ҳомиладорларида (86,7% и 69,6%), 3-гуруҳда 20 (33,9%) бачадон бўйнининг 2,5 смгача қисқаргани, 1-гуруҳдагиларнинг 37 (53,6%) деярли барчасида, 2 ва 3-гуруҳларда 22 (37,3%) беморда кам сувлик аниқланди.



**2-расм. Ҳомила олди сувининг муддатидан олдин кетиши кузатилган ҳомиладор аёлларнинг УТТ текширув натижалари**

Маълумки, нитразин тести маълумотлилиги ҳомила қобиғи ёрилган пайтидан бошлаб вақтнинг ортиши бўйича камаяди. AmniSure® тести сезувчанлиги 5 нг/мл ни ташкил қилиб, ҳомиладорликни етказиб бера олмасликда ҳам 99% ХПБЁ ни аниқлашни таъминлайди. Тадқиқотимизда барча текширилаётган ҳомиладорлардан (100,0%) ижобий жавоб олинди.


Ўтқир камсувлилик 1-гуруҳда 41 (69,4%) беморда аниқланди, 1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳ ҳомиладорларида 39,5% ва 3-гуруҳда 65,0% камроқ кузатилди. Сув камлиги аниқланган ҳомиладорлар доим қоринда оғриқ борлиги, ҳомила ҳаракатланганида оғриқ кучайишидан шикоят қилди.

Амниотик суюқлик индекси ҳажми (АСИ) гестация муддатига боғлиқ, гестация муддати катта бўлса, АСИ юқори бўлади, ҳомиладорлик муддати узокроқ чўзилса, АСИ ўсиб бориши диққатни тортади, масалан, гестациянинг 22-27 ҳафталик муддатида 1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳда АСИ 1,2 марта, 3-гуруҳда 1,5 марта юқори ( $P < 0,001$ ). Гестациянинг 28-33 ҳафталик муддатида 1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳда АСИ 1,2 марта, 3-гуруҳда 1,7 мартага юқори ( $P < 0,001$ ).

Грамм бўйича мазкур бактериоскопик тадқиқот таҳлили ХПБЁнинг латент даври давомийлиги қин тозақлик даражасига боғлиқлигини кўрсатди, қин тозалик даражаси қанча паст бўлса, ҳомиланинг инфекцияланиш хавфи шунча камайди.

Барча экилган микроорганизмлар учта оила гуруҳида берилган: Enterobacteriaceae (гуруҳлар бўйича 43,9%, 30,2% ва 20,0%), Streptococcaceae (гуруҳлар бўйича 34,1%, 25,6%, 25,0%) ва Micrococccaceae (гуруҳлар бўйича 19,5%, 20,9% ва 17,5%).

Микрофлора қанча кам экилса, ҳомиладорлик шунча узок чўзилди, бунда тесқари ( $r = -0,56$ ) ўртача корреляцион боғлиқлик пайдо бўлди. (3-расм).




3

**3-расм. Сувсиз оралик давомийлигига боғлиқ текширилаётган ҳомиладорларда қин мазогининг бактериоскопия натижалари**

ҲПБЁ кузатилган ҳомиладорларда микроорганизмларнинг аниқланиши туғруқ бошланганида латент ораликни қисқартиради. ҲҚБЁ гуруҳидаги 27% беморда хориоамнионит ривожланди, шу билан бирга назорат гуруҳидаги ҳеч бир онада бундай асорат кузатилмади.


Хориоамнионитда тахикардия, лихорадка ( $\geq 38^{\circ}\text{C}$ ) ва пайпасланганда бачадонда оғриқ, шунингдек қин кўзгуларда кўрилганда йирингли ажралма аниқлангани билан ҳам ташхис тасдиқлади.

**4-расм. Текширилаётган ҳомиладор аёлларда қин микрофлорасининг тузилиши**



Баквагиноз (қин тозалигининг III–IV даражалари) 1-гуруҳда 25 (33,3%), 2-гуруҳда 32 (46,4%) ва 3-гуруҳда – 33 (55,9%) беморда аниқланди.

ҲПБЁ ҳолатида она ва янги туғилган чақалоқ натижалари учун анаэроб бактериялар даражаси, шунингдек В гуруҳ стрептококклари муҳокамасида қиндан кўтарилиши мумкин бўлган инфекцияни этиологик ўрин фарз қилинди. Ҳомиладор аёл қинининг микроб кўриниши ҳомила олди сувининг кетишига таққосланди. *Lactobacillus* spp. сонининг камайиши, шунингдек 58,7% ҳолатда ҳомила олди сувининг кетиши кузатилган ҳомиладорларда бактериал дисбаланс аниқланди (5-расм).



**5-расм. Гестациянинг турли муддатларида текширилаётган гуруҳларда хориоамнионит келиб чиқиш частотаси**

Асоратланган акушерлик ва гинекологик анамнезли аёлларнинг 16-32% да ҲПБЁ пайдо бўлиш хавфи, 4% аёлда асоратланмаган ҳомиладорлик булган ҳолда кузатилди. Бу кўрсаткич бачадон бўйни қисқарганда ёки эрта туғиш



хавфи кузатилганда ўсиб борди. Шунинг билан аксарият чала туғилиши кузатилган ҳолатларда ХПБЁ хавф гуруҳига кирмаган аёлларда кузатилди.

Аниқланган далиллар бўйича бактериял вагиноз ҳомила олди сувининг кетишида муҳим аҳамият касб этиб, аэроб ва замбуруғларнинг селектив деконтаминацияси билан микрофлораларни тиклаш мақсадида прегравидар тайёрланиш пайтида дисбиозни ташхислаш зарурати келиб чиқди.

Диссертациянинг «**Ҳомила қобиғининг муддатдан олдин ёрилиши кузатилган аёлларда дастлабки ҳомиладорлик ва уни чўзишнинг биокимёвий маркерлари**» деб номланган тўртинчи бобда ҳомила олди сувининг муддатидан олдин кетиши кузатилган аёлларда ҳомиладорликни яқунланиш тарзини ва уни чўзиш имкониятини прогнозлашнинг биокимёвий мезонлари ўрганилди.


Ҳомила қобиғи муддатидан олдин ёрилган ҳомиладорлар эритроцитлари мембранасида (барча организм мембраналари тузилишли-функционал ҳолатининг умумқабул қилинган бир хил модели сифатида қабул қилинган) барча гуруҳ беморларида про- ва антиоксидант гомеостазнинг бузилишини мавжудлиги аниқланди.

1-гуруҳ аёлларида ХЛ интенсивлиги назорат гуруҳига нисбатан ўртача 1,84 марта ўсди, шунингдек МДА 2,38 марта, ундан озроқ 1,86 марта ПГЭ даражаси ва А2 фосфолипаза фаоллиги ошди. 2-гуруҳда кўрсаткичлар 1-гуруҳ кўрсаткичларидан бир оз фарқ қилди. Узоқроқ давом этган сувсизлик даври билан 3-гуруҳ ҳомиладорларида ЛПО кўрсаткичлари камроқ ўзгарди, бу ҳомиладорликнинг чўзиш муддатини давомийлиги билан антиоксидант тизим ҳолатига боғлиқлиги ҳақида дарак берди.

Ҳомила қобиғи муддатидан олдин ёрилиш патогенезида фолий кислотасининг танқислиги, бачадон бўйни-қин секрециясида фетал фибронектин, қон зардобидида  $\alpha$ -фетопропротеин мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳомиладор аёлларда фолат кислотасига эҳтиёж сезиларли тарзда 50% ортади, бу бачадоннинг катталаниши, йўлдош шаклланиши, эмбрионнинг ўсиши ва эритроцитлар ҳажмининг ортиши билан боғлиқ.

Қон зардобидида фолий кислотаси (ФК) миқдорининг таҳлили 1-гуруҳда 92,7% ҳомиладорда ҳомиладорликнинг 22-27 ҳафталик муддатида фолий кислотасининг танқислигини, қолган 7,3% ҳомиладорда унча кўп бўлмаган танқислигини кўрсатади. Иккинчи гуруҳда ФК даражасининг 21,3% га ошиши, 1-гуруҳга таққосланганда 3-гуруҳда 47,2% га ошиши кузатилди. 2-гуруҳда ФК концентрациясининг ошиши 1-гуруҳга нисбатан 23,4%, 3-гуруҳда 2-гуруҳга нисбатан 18,6% ташкил қилди.




**6-расм. Касалхонага келган пайтида текширилаётган ҳомиладорлар қон зардобда фолий кислотаси даражаси**

Ҳомиладорлик ҳаммаси бўлиб 24 соатга узайтирилган гестациянинг 28-33 –ҳафта муддатидаги 1-гуруҳ ҳомиладорларида фолий кислотасининг 2,45 нг/мл гача ўртача танқислиги 14 (34,1%) беморда, 2-гуруҳда (ҳомиладорликни узайтириш даври 25 соатдан 72 соатгача) - 26 (60,5%) нафар ҳомиладорда кузатилди, 3-гуруҳда эса (ҳомиладорликни узайтириш даври 72 соатгача) беморларнинг барчасида фолий кислотаси даражаси 2,45 нг/мл дан юқори бўлган (ишончли фарқ –  $P < 0,05$ ).

1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳ ҳомиладорларида фолий кислотаси даражасининг ўсиб бориши 0,56 нг/мл ни ташкил қилди, 2-гуруҳга нисбатан 23,4%, 3-гуруҳда эса 0,40 нг/мл – 18,6% га тенг бўлди.

Олинган натижалар кўрсатишича, фолий кислотаси миқдорининг таҳлили ҳомиладорликни чўзиш муддатига боғлиқ, ҳомиладорлик муддати чўзилганлиги қанча юқори бўлса, ФК миқдори ҳам шунча юқори бўлиши аниқланди. Юқоридагилардан маълумки, ФК миқдорининг камайиши ҳомила қобиғининг барвақт ёрилишида прогностик мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фолий кислотасининг кескин камайиши ҳомила қобиғи тузилишининг бузилишига, коллоген толалари камайишига олиб келади, натижада бачадон ички босимида ҳомила қобиғининг эластиклиги ва мустаҳкамлигини бардошлилиги пасайади. Ҳомила қобиғи бутунлигининг тикланиш жараёнини қийинлаштиради ва кўпинча ҳомила қобиғининг инфекцияланишига олиб келади. Ҳатто фолий кислотасининг бир оз кўпайиши ҳам уларнинг мустаҳкамлигини оширади, ҳомиладорликнинг сақланишига сабаб бўлади (6-расм).



**7-расм. Касалхонага келган пайтда текшириляётган беморларда бачадон бўйни –қин секрециясида фетал фибронектин даражаси**

Фетал фибронектин (fFN) энг муҳим биокимёвий маркер бўлиб, ҳомиладорликнинг 22-24 ҳафталаридан кейин бачадон бўйни-қин секрециясида бу гликопротеиннинг бўлиши хориона ва deciduas ўртасидаги чегаранинг бузилганлигини кўрсатади. Ҳомиладорликнинг 22-33-ҳафталарида бачадон бўйни-қин секрециясида фибронектиннинг бўлиши хориодецидуал юзанинг парчаланиш мезони ҳисобланади ва ХҚБЁ нинг юқори хавфи билан боғлиқ бўлади. Ижобий тест муддатидан олдин кузатиладиган туғруқнинг юқори хавфини ва салбий тест юқори прогностик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларда ҳомила фибронектини ҳомиладорликнинг 22 ҳафтасидан бошлаб, деярли туғруққача бачадон бўйни –қини секрециясида кузатилмади.

Ҳомиладорлик жами 24 соат узайтирилган 1-гуруҳ беморларида гестациянинг 22-27 ҳафталик муддатида бачадон бўйни ва қин секрециясида fFN даражаси 71,1 нг/мл, 28-33 ҳафталик муддатда эса – 79,8 нг/мл ни ташкил қилади. .

Ҳомиладорлиги 72 соатгача чўзилган гуруҳда 22-27 ҳафталик муддатда fFN даражаси 8,9 нг/мл дан кам, 28-33 ҳафталик муддатда эса 22,1 нг/мл га тенг бўлган. Ҳомиладорлик 72 соатдан кўп чўзилган 3 –гуруҳда 22-27 ҳафталик муддатда fFN даражаси 1-гуруҳ ҳомиладорларига нисбатан 1,5 марта, 28-33 ҳафталик муддатда эса 1,8 марта паст бўлган. Ҳомиладорлик чўзилишининг турли муддатларида fFN даражасининг фарқи юқори статистик ишончликка эга ( $P < 0,001$ ), бунда fFN ҳомиладорликни чўзилишининг прогностик мезони бўлиб хизмат қилишини ишонч билан кўрсата олди.


Салбий натижанинг прогностик баҳоси 94%. Бу клиник амалиёт учун жуда муҳим ҳисобланади, ушбу тест қин секрециясида фибронектин мавжуд бўлмаслик эҳтимолида салбий натижаларнинг юқори прогностик баҳосига эга

бўлиб, бир ҳафта мобайнида аёлда 69-70% ҳолатда туғруқ содир бўлиши мумкин.

Муддатидан олдин туғруқ хавфи кузатилган гуруҳ аёлларининг бачадон бўйни УТТ натижалари ва фибронектин текширилганда диагностикада бу кўрсаткичлар бир-бирини тўлдирганлиги, ё ўзаро тенг бўлганлигини кўрсатди. ХПБЁ хавфи кузатилган беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича тақдим қилинган замонавий протоколга фибронектин даражасини аниқлаш ҳам киради. Муддатидан олдинги туғруқ диагностикасида бу параметрларнинг аҳамияти турли тадқиқотларда тасдиқланди ва туғруқ бошлангунича 7-14 кунгача 90% прогностик қийматга эга.

$\alpha$ -фетопротеин концентрациясининг (АФП) ўзгариши ҳам ХПБЁ маркери бўлиб хизмат қилади. АФП – 65000 молекуляр массага эга бўлган гликопротеид бўлиб, эмбрион жигар ҳужайраси ва ўт қопида синтезланади, она ва ҳомила қонига секрецияланади. Бу жараён 6 ҳафталик муддатдан бошланади, 14-15 ҳафтада энг юқори интенсивлигига етади. Бу муддатда АФП ҳомиланинг 30% плазма оксилларида намоён бўлади. Ҳомиладор аёл қонида АФП миқдорининг бошқа динамикаси кузатилади, у йўлдош тўсиғининг бир тарафлама ўтказувчанлиги йўналишида (ҳомиладан онага) 10 ҳафталикдан концентрациянинг ортиб бориши ва 33-34 ҳафтада максимумга етиши тарзда бўлади [36, с. 105].

Она қонидаги АФП концентрацияси гестация муддати ва ҳомила вазни билан ўзаро боғлиқлиги, ҳомила етилиш даражаси ҳақида муҳокама қилиш имконини беради. Физиологик ҳомиладорликда АФП концентрацияси 32-34 ҳафтагача кўтарилади, кейин эса анчагина пасаяди. Ҳомиладорлиги 24 соатгача узайтирилган аёлларда АФП нинг энг паст даражалари гестация муддатларига мос тарзда 17,7 нг/мл ва 46,7 нг/мл аниқланди. Гестация муддатларининг ўсиши билан, энг муҳими ҳомиладорлик муддатларининг чўзилиши билан АФП миқдори 2-гуруҳда 22-27 ҳафта муддатида 92,7%, 28-33-ҳафталарда 1-гуруҳ аёлларига нисбатан 24,7% камайди (8-расм). 3-гуруҳда гестациянинг 22-27-ҳафталарида АФП даражаси 50,4% га, 28-33-ҳафталарда 44,2% га камайди.



**8-расм. Касалхонага келган пайтда кузатилаётган ҳомиладорлар қон зардобда  $\alpha$ -фетопротеин даражаси**

АФП миқдорининг ошишидаги тест натижаларида 100% сезувчанлик ҳам, 100% ўзига хослик ҳам (АПФ даражаси эгизак ҳомиладорликда, тиббий абортлардан кейин, ҳомиланинг олд қорин девори нуқсонларида ва бошқа сабабларда) ҳисобланмади, шунинг учун амалиётда нормал ҳомилали ҳомиладорликнинг аналогик муддатидаги аёл қон зардобдаги АПФ миқдорини тақсимлаш учун медиана йиғиндиси билан таққосланди, ҳомиладор қон зардобда АФП миқдорининг 2,5 баробар ошиши хавф гуруҳига бундай ҳомиладорларни киритиш учун асос ҳисобланди.

Ижобий корреляцион боғлиқликнинг ўртача кучи ФФ ва ЛПО кўрсаткичлари ҳамда ФФ ( $r=+0,46$ ) ( $r=+0,44$ ) ( $r=+0,39$ ) ( $P<0,05$ ) ўртасида аниқланди. Ижобий корреляцион боғлиқликнинг ўртача кучи АФП, ФК ва АОХ кўрсаткичлари ўртасида кузатилди, АФП ва ФК ошишида организмнинг антиоксидант ҳимоя кўрсаткичлари активацияси бўлиб ўтди.

Корреляцион боғлиқликнинг тесқари ўртача ( $r=-0,36$ ) ( $r=0,38$ ) ва кучсиз кучи ( $r=-0,18$ ) ( $r=-0,35$ ) ( $r=-0,18$ ) ФФ ҳамда АОХ кўрсаткичлари ўртасида аниқланди.

